



# О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI SAMARQAND VILOYATI HOKIMINING QARORI

Samarqand sh., Ko‘ksaroy maydoni, 1-uy.

2022 - yil 21 - noyabr

446-7-0-Q/22

Samarqand viloyat hokimligi

## **Вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликларида коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 12 январдаги “Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–81-сонли қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси коррупцияга қарши курашиш агентлигининг 2022 йил 26 августдаги 03-07/3919-сонли хатига мувофиқ, вилоят ҳокимлиги ҳамда шаҳар ва туман ҳокимликларида коррупцияга қарши курашиш тизими самарадорлигини янада такомиллаштириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6, 25-моддаларига асосан

### **ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

#### **1. Қуйидагилар:**

вилоят ҳокимлигига алоқа каналлари орқали коррупциявий хатти-ҳаракатлар тўғрисида келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш регламенти 1-иловага;

вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликларида Контрагентларни текширишга оид йўриқнома 2-иловага;

вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликларида коррупцияга қарши кураш тизимининг ҳолати тўғрисидаги ҳисоботни шакллантириш ва тақдим этиш бўйича низом 3-иловага;

вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликларида давлат харидларини ўтказиш тўғрисидаги низом 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, ёрдамчилари, маслаҳатчилари, гуруҳ раҳбарлари, котибият мудирлари, бўлим бошлиқлари ва ходимлари, туман ва шаҳар ҳокимлари, уларнинг ўринбосарлари ҳамда ходимлари доимий равишда ушбу ишлаб чиқилган қоидаларга риоя этилишини таъминласинлар.

3. Вилоят ҳокимлиги ташкилий-кадрлар гуруҳи (Б.Рахматуллаев), туман ва шаҳар ҳокимликларига илк бор ишга қабул қилинаётган ходимларни ушбу ишлаб чиқилган

қоидалар билан тўлиқ таништирилишини таъминласин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Ж.Ураков зиммасига юклансин.

**Вилоят ҳокими**



**Э.Турдимов**



Samarqand viloyat hokimining  
2022 yil 21 noyabrdagi  
446-7-0-Q/22-son qaroriga  
3-ilova

**Вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликларида коррупцияга қарши кураш тизимининг  
ҳолати тўғрисидаги ҳисоботни шакллантириш ва  
тақдим этиш бўйича**

**Низом**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликларида коррупцияга қарши курашиш тизимининг фаолият юритиши ва коррупцияга қарши тадбирларни амалга ошириши тўғрисидаги ҳисобдорликни шакллантириш тартибини белгилайди.

2. Ҳокимликда коррупцияга қарши курашиш тизимининг фаолият юритиши ва ривожланиши масалалари бўйича ҳисоботларни (кейинги ўринларда – Ҳисоботлар) шакллантириш ва тақдим этиш учун масъулият вилоят ҳокимлигининг коррупцияга қарши ички назорат қилиш шўъбаси зиммасида бўлади.

**2-боб. Ҳисобот турлари ва уни тузиш даврийлиги**

3. Ҳокимликда қуйидаги ҳисобот турлари назарда тутилади:

а) ҳокимликда коррупцияга қарши курашиш тизимининг фаолият кўрсатиши тўғрисидаги, шу жумладан, ҳокимликнинг коррупцияга қарши Дастури ёки йўл харитаси тадбирларини амалга оширилишини бўйича ҳисобот ҳар чоракда вилоят ҳокимлигининг коррупцияга қарши ички назорат қилиш шўъбаси томонидан белгиланган тартибда тузилади;

б) коррупцияга қарши курашишга оид давлат дастурида режалаштирилган тадбирларни амалга ошириш тўғрисидаги ҳисобот ҳар чоракда вилоят ҳокимлигининг коррупцияга қарши ички назорат қилиш шўъбаси томонидан белгиланган тартибда тузилади.

4. Ҳисобот мунтазам равишда ушбу Низомда белгиланган тартибда ва муддатларда, ҳокимликда коррупцияга қарши курашиш тизимининг ҳолатидан, шунингдек, ҳисобот даврида коррупцияга қарши тадбирлар ўтказилган ёки йўқлигидан қатъий назар, тузилади.

5. Йилнинг IV чораги учун ҳисобот тузилмайди, унинг ўрнига йиллик ҳисобот тайёрланади.

6. Ҳар чораклик ва ҳар йиллик ҳисобот вилоят ҳокимига киритилади.

Вилоят ҳокимлигининг коррупцияга қарши ички назорат қилиш шўъбаси ҳар чоракда, кейинги чорак биринчи ойининг 25 санасидан кечиктирмай ҳар чораклик ҳокимликнинг умумий ҳисоботини Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлигига (кейинги ўринларда – Агентлик) кўриб чиқиши учун киритиб

боради.

7. Ҳокимликнинг йиллик ҳисоботидаги умумий ахборот Интернет тармоғидаги расмий веб-сайтида эълон қилинади. Мазкур ахборот вилоят ҳокимлигининг коррупцияга қарши ички назорат қилиш шўъбаси томонидан тайёрланади.

### **3-боб. Коррупцияга қарши курашиш тизимининг фаолият кўрсатиши тўғрисида ҳисоботни шакллантириш тартиби**

8. Ҳокимликда коррупцияга қарши курашиш тизимининг фаолият кўрсатиши тўғрисидаги ҳисобот коррупцияга қарши курашиш тизимини мониторинг ва назорат қилиш, шунингдек, ҳокимликнинг коррупцияга қарши Дастури ёки Йўл харитаси тадбирларини амалга оширилишини мониторинг қилиш мақсадида тузилади.

9. Ҳисобот ҳар чоракда вилоят ҳокимлигининг коррупцияга қарши ички назорат қилиш шўъбаси томонидан ҳисобот давридан кейинги ойнинг 20 санасидан кечиктирмай тузилади ва вилоят ҳокимига кўриб чиқиш учун топширилади.

10. Ҳисоботни шакллантириш куйидаги тартибда амалга оширилади:

а) ҳисобот давридан кейинги ойнинг 2 санасидан кечиктирмай, вилоят ҳокимлигининг коррупцияга қарши ички назорат қилиш шўъбаси масъул ходимларга ушбу ойнинг 10 санасигача тегишли раҳбарлар томонидан тасдиқланган мазкур Низомга 1-иловага мувофиқ ҳисобот тақдим этиши тўғрисида хабарнома юборади;

б) ҳисоботларга киритилган ахборот тегишли ҳужжатлар нусхалари ва бошқа маълумотларга асосланган бўлиши керак;

в) вилоят ҳокимлигининг коррупцияга қарши ички назорат қилиш шўъбаси ушбу Низомга 2-иловада кўрсатилган шаклда ҳокимлик тизимида коррупцияга қарши курашиш бўйича тизимнинг фаолият кўрсатиши тўғрисидаги умумий ҳисоботни тузади ҳамда қўшимча равишда унга ушбу Низомга 1-иловадаги шакл бўйича ҳокимлик тизими бўйича тузилган ҳисоботдаги маълумотларни киритади.

ҳисоботда асосий ахборотни ўзида акс эттирган қисқача маълумотнома ва таклифлар бўлиши керак. Йиллик ҳисобот ўз ичига ўтган йилнинг худди шундай кўрсаткичларига эга бўлган солиштирма таҳлилни ҳам қамраб олиши керак.

11. Ҳокимлик тизимида коррупцияга қарши курашиш тизимининг фаолият кўрсатиши тўғрисидаги ҳисоботлар ва ҳокимлик тизимида коррупцияга қарши курашиш тизимининг фаолият кўрсатиши тўғрисидаги умумий ҳисоботни тузишда вилоят ҳокимлигининг коррупцияга қарши ички назорат қилиш шўъбаси тегишли бўлинма ходимларидан зарур ҳужжатлар, тушунтириш ва статистикани сўраш ва олиш ҳуқуқига эга.

12. Вилоят ҳокимлигининг коррупцияга қарши ички назорат қилиш шўъбаси қисқа маълумотнома бириктирилган коррупцияга қарши курашиш тизимининг фаолият кўрсатиши тўғрисидаги умумий ҳисоботини ҳисобот давридан кейинги ойнинг 21

санасигача вилоят ҳокимига тақдим этади.

**4-боб. Коррупцияга қарши курашга оид давлат дастурларида режалаштирилган тадбирларни амалга ошириш тўғрисидаги ҳисоботни шакллантириш тартиби**

13. Коррупцияга қарши курашишга оид Давлат дастурида режалаштирилган тадбирларни амалга ошириш тўғрисидаги ҳисобот ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ шаклда тузилади.

14. Коррупцияга қарши курашишга оид Давлат дастурида режалаштирилган тадбирларни амалга ошириш тўғрисидаги ҳисобот вилоят ҳокимлигининг коррупцияга қарши ички назорат қилиш шўъбаси томонидан ҳокимликда коррупцияга қарши курашиш тизимининг фаолият кўрсатиши тўғрисидаги умумий ҳисобот билан бир вақтда тузилади.

15. Коррупцияга қарши курашиш бўйича Давлат дастурида режалаштирилган тадбирларнинг амалга оширилгани тўғрисидаги ҳисобот раҳбар томонидан кўриб чиқилгандан кейин Агентликка юборилади.

**5-боб. Яқуний қоидалар**

16. Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва ҳокимликнинг ички идоравий ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган тақдирда ушбу Низом қайта кўриб чиқилиши лозим.

Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга вилоят ҳокимлигининг коррупцияга қарши ички назорат қилиш шўъбаси масъул бўлади.



**Коррупцияга қарши кураш  
тизимининг ҳолати тўғрисидаги  
ҳисоботни шакллантириш ва тақдим  
этиш бўйича низомига 1-илова**

**Ҳокимликда коррупцияга қарши курашиш тизимининг фаолият кўрсатиши  
тўғрисида ҳисобот**

<b>Ҳокимият номи:</b>	
<b>Ҳисоботни тайёрлаган ходим (Коррупцияга қарши курашиш учун масъуллар):</b>	ФИШ, лавозими, тузилмаси
<b>Ҳисобот даври:</b>	
<b>Ҳисобот тайёрланган сана:</b>	

Т/р	Тадбирлар гуруҳининг номлари	Тадбирларнинг номлари	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар	Ижро тўғрисида белги	Ижро этилмаган бўлса, ижро этилиши кутилаётган муддат	Бажарилганликни тасдиқлаш, бажарилмаган бўлса сабаблари

Т/р	Тадбир	Натижалар
<b>II. Сиёсатлар ва процедуралар</b>		
1.	Ички ҳужжатларни мослаштириш	ҳокимликда ҳисобот даври учун мослаштирилган коррупциявий хавф-хатарларни камайтириш бўйича чоралар ёки коррупцияга қарши курашишга оид тартиб-таомилларга эга бўлган ички ҳужжатларни (сиёсатлар, регламентлар, стандартлар, йўриқномалар ва ш.к.) кўрсатиш зарур.
2.	Хавф-хатарли вазифа ва тартиб-таомиллар кесимида коррупциявий хавф-хатарларни камайтиришга оид янги коррупцияга қарши тартиб-таомиллар ва чоралар ҳамда коррупцияга қарши масалаларни тартибга солувчи ички ҳужжатларни ишлаб чиқиш.	Ҳисобот даврида ишлаб чиқилган ва тасдиқланган коррупцияга қарши курашиш соҳасига киритилган соҳаларни тартибга солувчи ички ҳужжатларни (сиёсатлар, регламентлар, стандартлар, йўриқномалар ва ш.к.) кўрсатиш зарур.
<b>III. Шахсий намуна</b>		
3.	Ташкилот раҳбари ва унинг ўринбосарларининг ички тадбирлардаги чиқишлари (нутқи).	3-6-бандларда ташкилот тизими раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарларининг қонунчилик талабларига риоя қилиш, коррупцияга нисбатан муросасиз бўлиш, таркибий бўлинмада белгиланган коррупцияга қарши назорат ва тартиб-таомилларга амал қилишнинг муҳимлиги тўғрисидаги позицияси, фикр мулоҳазалари очик эътироф этилган тадбирларни кўрсатиш лозим.

4.	Коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича ички коммуникацияни тарқатиш (Ташкилот раҳбари ва унинг ўринбосарларининг номидан).	
5.	Ташкилот раҳбари ва унинг ўринбосарларининг ОАВдаги фикр-мулоҳазалари.	
<b>III. Хавф-хатарларни баҳолаш</b>		
6.	Ташкилотда коррупциявий хавф-хатарлар бўйича ҳар йиллик баҳолаш ўтказиш	Ҳа ўтказилган\йўқ ўтказилмаган (сабаблари кўрсатилади) \ жараёнда (қайси босқичдалиги кўрсатилади)
7.	Ҳисобот даври учун Ташкилотда иш жараёнда янги аниқланган коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш ва уларнинг даражалари (юқори, ўрта, паст).	Янги коррупциявий хавф-хатарлар қайси жараёнларда аниқланганлиги, уларнинг даражаси санаб ўтилади. Қандай коррупциявий хавф-хатарлар қайта баҳоланди, янги даража, баҳони ўзгартириш сабаблари ва коррупциявий хавф-хатарларни камайтириш бўйича таклифлар. Ташкилотнинг коррупциявий хавф-хатарлар харитаси илова қилинади.
8.	Ҳисобот даврида аниқланган коррупциявий хавф-хатарларни тартибга солиш бўйича амалга оширилган тадбирлар	
9.	Қолдиқ коррупциявий хавф-хатар юқори бўлган аниқланган коррупциявий хавф-хатарлар сони	Қолдиқ таваккал юқори бўлган коррупциявий хавф-хатарларнинг фоиздаги нисбати кўрсатилади
10.	Қолдиқ коррупциявий хавф-хатар ўрта ва ундан паст даражагача камайтирилган аниқланган коррупциявий хавф-хатарлар сони	Қолдиқ коррупциявий хавф-хатарлар ўрта ва ундан паст даражагача камайтирилган коррупциявий хавф-хатарлар умумий сонига фоиздаги нисбатини кўрсатиш зарур.
<b>IV. Коррупцияга қарши амалга ошириладиган тартиб-таомиллар</b>		
11.	Ташкилотда аниқланган манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари ва қабул қилинган чоралар	Ташкилотда аниқланган манфаатлар тўқнашуви ҳолатларининг сонини кўрсатиш ёки аниқланган манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари реестрини илова қилиш зарур.
12.	Ходимлар томонидан ҳар йили манфаатлар тўқнашувини декларация қилиш.	Ҳар йиллик манфаатлар тўқнашувини декларациялаш тартиб-таомилларидан ўтган ходимларнинг ташкилотдаги умумий ходимлар сонига фоизлардаги нисбатини кўрсатиш зарур. Ҳар йили манфаатлар тўқнашуви декларациясини амалга ошириши шарт бўлган манфаатлар тўқнашувини декларациялаш тартиб-таомилларидан ўтган ходимларнинг ташкилотдаги умумий ходимлар сонига фоизлардаги нисбатини кўрсатиш зарур.
13.	Ишга олинган ходимлар ва номзодлар устидан ўтказилган текширувлар сони.	Ташкилотга ишга қабул қилинган ходимлар сонини ва ташкилотдаги лавозимга номзодлар текшируви сонини кўрсатиш зарур. Текширув ўтказилмаган бўлса сабабини кўрсатиш зарур.

14.	Ҳисобот даврида ўтказилган контрагентлар текширувлари сони	Ҳисобот даврида ўтказилган контрагентлар текширувлари сонини, текширувлар натижалари бўйича ижобий ва салбий хулосаларнинг фоизлардаги нисбатини кўрсатиш зарур. Текширув ўтказилмаган бўлса сабабини кўрсатиш зарур.
15.	Амалга ошириладиган бошқа коррупцияга қарши тартиб-таомиллар	Мавжуд бўлганда ушбу бўлимда кўрсатилмаган бошқа амалга ошириладиган коррупцияга қарши тадбирларни кўрсатиш.
<b>V. Таълим ва коммуникация</b>		
16.	Коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича тренинглар ўтказиш: барча ходимлар учун; коррупциявий таваккалчиликка энг кўпроқ мойиллик эҳтимоли бўлган вазифаларни бажарувчи бўлинмалар учун.	Тренинглар тури ва шакли, ўқитилган ходимлар сони, уларнинг лавозимлари даражаси ва бўлинмаларни кўрсатиш.
17.	Ташкилотга яқинда ишга олинган ходимлар учун тренинглар ўтказиш.	Коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича тренинглардан (умумий, танишув) ўтган янги ходимларни умумий янги ходимлар сонига фоизлардаги нисбати тренинглар мавзуси кесимида кўрсатиш.
18.	Ходимларнинг коррупцияга қарши қонунчилик талаблари ва бўлинмада амалга оширилаётган коррупцияга қарши чоралардан хабардорлигини оширишга оид бошқа тадбирлар	Тадбир иштирокчиларнинг мақсадли гуруҳини, уларни сони (имкони бўлса), мавзуси ва турини (масалан, танловлар, викториналар, сўровномалар ва б. кўрсатилади) ва унинг яқунларини кўрсатиш.
19.	Коррупцияга қарши кураш учун масъуллар томонидан бажарилган коррупцияга қарши кураш меъёрлари мавзусида ахборот-тарқатма материаллари.	Коррупцияга қарши талаблар ва тартиб-таомилларга амал қилиш зарурияти тўғрисидаги, шу жумладан, уларнинг тўғри талқин қилиниши ва уларга тўғри амал қилиш тўғрисидаги хабарнома ва бошқа тарқатма материаллар.
20.	Ходимларнинг ахлоқ-одоб маданиятини шакллантириш, уларни коррупцияга қарши кураш тизими ва коррупцияга қарши қонунчиликнинг талаблари ҳақида хабардор қилишнинг бошқа усуллари.	Масалан, бинолардаги ахборот плакатлари ва бошқа материаллар, скринсвайерлар, ишчи компьютерлар экранига қўйиладиган суратлар ва бошқалар.
21.	Фуқаролик жамияти ва бўлинма контрагентлари учун коррупцияга қарши тадбирларни ўтказиш	Фуқаролик жамияти вакиллари учун коррупцияга қарши тадбирларни ўтказишнинг сони, номланиши, моҳияти ва натижаларини кўрсатиш (масалан, коррупцияга қарши кураш куни, коррупцияга қарши мавзудаги ишлар танлови). Шартномаларига коррупцияга қарши қўшимча шартлар киритилган янги контрагентларнинг янги контрагентларнинг умумий сонига фоизлардаги нисбати.
<b>VI. Коррупциявий хатти-ҳаракатлар ва қондабузарликлар тўғрисидаги хабарлар. Таъсир чоралари</b>		
22.	Хатти-ҳаракатлар, шу жумладан, потенциал хатти-ҳаракатлар учун алоқа каналларига келиб тушган хабарлар сони	Хабарлар сонини қуйидаги маълумотларни ҳам киритган ҳолда кўрсатиш: келиб тушган санаси келиб тушган алоқа канали, хабар мавзуси, тегишли ҳисоботни илова қилиш.



23.	Хизмат текшируви ўтказилган; Коррупцияга қарши қонунчилик бузилганлиги тўғрисида тасдиқланган ҳолатлар (шу жумладан, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва мақолалар кесимида) аниқланган; Бўлинмада белгиланган коррупцияга қарши назорат ва тартиб-таомилларнинг бузилиш ҳолатлари аниқланган (шу жумладан, ички ҳужжатлар кесимида); Айбдорлар аниқланган ҳолатлар сони.	Ҳар бир банд бўйича ҳолатлар сонини кўрсатиш.
24.	Қабул қилинган таъсир чоралари.	Қандай коррекциялаш чоралари, шу жумладан, интизомий чоралар, ички назорат тизимида қандай камчиликлар аниқланди ва назоратни кучайтириш учун қандай чоралар таклиф қилинди.
<b>VII. Мониторинг ва назорат</b>		
25.	Ҳисобот даврида мавжуд коррупцияга қарши курашиш талаблар, назорат тадбирлари ва тартиб-таомиллар бажарилиши устидан текширувлар ўтказилганлиги	Ташкилотда коррупцияга қарши кураш бўйича масъуллар томонидан ўтказилган текширув тадбирларини, шу жумладан, уларнинг сонини қуйидаги кесимда кўрсатиш Текширув объектлари (бошқарма, бўлим); Текширув мавзуси (масалан, харидлар, кадрлар); Текширув тадбирлари тури (аудит, таваккал транзакциялари мониторинги ёки процедуралари ва б.); Текширув тадбирлари характери (режали, режадан ташқари).
26.	Бўлинмада белгиланган назорат тадбирлари ва тартиб-таомиллар бузилиш ҳолатлари аниқланганми ва уларга нисбатан қўлланилган таъсир чоралари?	Қайси тартиб-таомил ёки вазифани бажаришда қандай қоидабузарликлар аниқланган? Аниқланган ҳолатлар сонини кўрсатиш. Вазифа ва тартиб-таомилларни бажарувчи шахслар учун қандай тавсиялар тайёрланган. Улар қандай расмийлаштирилган (масалан, буйруқ ёки бошқа ички ҳужжатлар)?

**Хулосалар:** Худудий ва таркибий бўлинмаларда коррупцияга қарши чораларни амалга оширишнинг асосий натижаларини кўрсатиш, коррупцияга қарши курашиш тизими ҳолатига умумий баҳо бериш, зарурият туғилганда аввалги даврлар кўрсаткичлари билан таққослама таҳлил ўтказиш, қониқарли натижаларга эришганлик ёки эришмаганлик сабабларини кўрсатиш зарур.

Коррупцияга қарши курашиш тизимини янада ривожлантириш бўйича таклифлар ва коррекцияловчи тадбирлар режаси: келгуси ҳисобот даврида ҳисобдорликнинг алоҳида элементларини яхшилаш имконини берувчи асосий тадбирларни кўрсатиш зарур.



**Коррупцияга қарши кураш  
tizimining holati tўғрисидаги  
hisobotni shakllantirish va  
taqdim etish bўйича nizomiga  
2-илова**

**Ҳокимликда коррупцияга қарши курашиш тизимининг фаолият кўрсатиши  
тўғрисида 202..йил –чи чорак учун**

**УМУМИЙ ҲИСОБОТ**

**I. Ҳокимликнинг Коррупцияга қарши чора-тадбирлар дастури бажарилгани  
тўғрисида умумий ахборот <sup>(1)</sup>**

Ҳокимлик томонидан коррупцияга қарши курашиш тадбирларнинг амалга оширилгани тўғрисидаги қисқа маълумот, шу жумладан марказий аппарат, ҳудудий ва таркибий бўлинмалар кесимида коррупцияга қарши курашиш тадбирларини амалга оширган бўлинмалар сонини кўрсатиш зарур;

ҳудудий ва таркибий бўлинмалар кесимида Коррупцияга қарши курашиш тадбирларни амалга оширмаган бўлинмалар кўрсатилади, шунингдек, ҳисоботга иловада уларнинг номи, амалга оширилмаган тадбирлар ва қисқача-асосий сабабларини алоҳида кўрсатиш лозим.

**II. Сиёсат ва тартиб-таомиллар**

Коррупцияга қарши курашиш бўйича соҳаларни тартибга солувчи, ва ҳисобот даврида марказий аппарат, ҳудудий ва таркибий бўлинмалар кесимида татбиқ этилган коррупцияга қарши соҳасига тааллуқли бўлган норматив-ҳуқуқий ва ички ҳужжатлар (сиёсатлар, регламентлар, стандартлар, йўриқномалар ва шу кабилар)ни кўрсатиш лозим.

**III. Хавф-хатарларни баҳолаш <sup>(2)</sup>**

Ҳокимлик томонидан хавф-хатарларни баҳолаш амалга оширилганлиги тўғрисидаги ахборот, шу жумладан, коррупциявий хавф-хатарларни баҳолашни амалга оширган ва ўзларининг коррупциявий хавф-хатарлар матричасини янгиллаган марказий аппарат, ҳудудий ва таркибий бўлинмалар кесимида кўрсатиш керак;

Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолашни амалга оширмаган ҳудудий ва таркибий бўлинмалари сони вилоятлар, ташкilotнинг ҳудудий ва таркибий бўлинмалари кесимида кўрсатилади, шунингдек ҳисоботга иловада уларнинг номи ва уларнинг бажарилмаганлиги сабаблари қисқача кўрсатилади;

Баҳолаш жараёнида янги аниқланган коррупциявий хавф-хатарлар марказий аппарат, ҳудудий ва таркибий бўлинмалари кесимида кўрсатилади. Шунингдек, ҳисобот даврида аниқланган коррупциявий хавф-хатарларни бошқариш бўйича таклиф этилган ва амалга оширилган тадбирлар қайд этилади;

Коррупциявий хавф-хатарларнинг тоифалар бўйича нисбати (юқори, ўрта, паст) худудий ва таркибий бўлинмалари кесимида кўрсатилади;

Худудий ва таркибий бўлинмалар кесимида Ташкилот учун юқори бўлган қолдик коррупциявий хавф-хатарлар, шунингдек, кўрсатилган коррупциявий хавф-хатарларни камайтириш учун таклиф этилаётган тадбирларни кўрсатиш лозим (мавжуд бўлган тақдирда).

#### **IV. Амалга ошириладиган коррупцияга қарши курашиш тартиб-таомиллар**

##### **Манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш**

Манфаатлар тўқнашуви декларацияланган ва тартибга солинган ҳолатлари сони, шу жумладан, ишга қабул қилиш, ҳар йиллик декларациялаш жараёнида<sup>[3]</sup> (мавжуд бўлган тақдирда), марказий аппарат, худудий ва таркибий бўлинмалар кесимида кўрсатилади;

Ҳокимликда манфаатлар тўқнашувини марказий аппарат, худудий ва таркибий бўлинмалари кесимида манфаатлар тўқнашувининг йиллик декларацияси тартиб-таомилларидан ўтган ходимларнинг умумий ходимлар сонига фоизлардаги нисбати, шунингдек, декларацияланган ва тартибга солинган манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари қайд этилади;

Ҳокимлик бўйича режалаштирилган манфаатлар тўқнашувининг ҳар йиллик декларацияланадиган манфаатлар тўқнашувига нисбатан кўрсаткичлари бажарилмаган худудий ва таркибий бўлинмалари кесимида таҳлилий маълумотларни келтириш керак (масалан, манфаатлар тўқнашувини барча раҳбарлар декларациялаши лозим, амалда эса фақат 50% гина раҳбар буни бажарган);<sup>[4]</sup>

Худудий ва таркибий бўлинмалари кесимида ҳокимлик тизимида аниқланган манфаатлар тўқнашуви ва қабул қилинган чоралар бўйича, шу жумладан, умумий сони ва тоифалар кесимида (*масалан, харид процедураларидаги, иш бўйича бевосита бўйсунуши натижасида ва шу кабиларда*) таҳлилий маълумотларни келтириш лозим.

##### **Коррупцияга қарши қоидаларни Ҳокимлик шартномаларига киритиш**

Коррупцияга қарши қоидаларни ташкилотнинг хўжалик шартномаларига (шартномаларнинг фоизли нисбати) киритиш бўйича, шу жумладан марказий аппарат, худудий ва таркибий бўлинмалари кесимидаги контрагентлар таҳририда таҳлилий маълумотларни келтириш, контрагентларнинг коррупцияга қарши қоидаларни шартномаларга киритишни рад этиш сабабларини кўрсатиш;

Марказий аппарат, худудий ва таркибий бўлинмалари кесимида ташкилот тизимида контрагент томонидан коррупцияга қарши қоидалар бузилиши сабабли шартномаларни бекор қилиш бўйича таҳлилий маълумотларни кўрсатиш.

##### **Контрагентларни текшириш**

Ҳисобот даврида контрагентлар бўйича ўтказилган текширувлар сони, ижобий ва салбий хулосаларнинг фоизлардаги нисбати марказий аппарат, худудий ва таркибий

бўлинмалар кесимида кўрсатилади.

### **Ишга номзодларни текшириш**

Марказий аппарат, ҳудудий ва таркибий бўлинмалари кесимида ташкилот тизимига ишга кириш учун номзодлар устидан ўтказилган текширувлар сонини кўрсатилади.

### **V. Таълим ва коммуникация**

Ҳокимликда коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича ўқитишнинг натижаларини марказий аппарат, ҳудудий ва таркибий бўлинмалари кесимида: ўқитилган ходимларнинг фойдадаги нисбати, таълим шакли (бевосита/онлайн) кўрсатилади;

Марказий аппарат, ҳудудий ва таркибий бўлинмалари кесимида Ҳокимлик тизими бўйича ўқитиш даражаси паст бўлган коррупцияга қарши кўникмаларга оид ахборот кўрсатилади (режалаштирилган кўрсаткичларга таққосланган ҳолда);

Ҳокимликда коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича коммуникация турлари ва сонини ҳудудий ва таркибий бўлинмалари кесимида (масалан, тарқатмалар, коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича сўровномалар ўтказиш) кўрсатилади;

Бўлимда шунингдек, ташкилот тизимида ўтказилган кенг кўламли алоҳида тадбирларни ажратиб кўрсатиш мумкин.

### **VI. Коррупциявий хатти-ҳаракатлар ва ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги хабарлар**

Ҳисобот даврида ходимларнинг коррупциявий хатти-ҳаракатлари, манфаатлар тўқнашуви, коррупцияга қарши бошқа қонунбузарликлар билан боғлиқ масалалар тўғрисидаги алоқа каналлари орқали келиб тушган хабарлар марказий аппарат, ҳудудий ва таркибий бўлинмалари кесимида кўрсатилади;

Мансаб вазифалари ва тартиб-таомиллар кесимида олинган таҳлилий маълумотлар (масалан, харидлар жараёнида, кадрларни ишга қабул қилиш билан боғлиқ тартиб-таомилларда) келтирилади;

Олинган хабарлар бўйича таҳлилий маълумотлар қоидабузарликлар кесимида келтирилади (масалан, коррупциявий хатти-ҳаракатлар, манфаатлар тўқнашуви, келишув тартиб-таомилларини процедураларини бузиш ва бошқалар);

Олинган хабарлар бўйича таҳлилий маълумотлар алоқа каналлари кесимида келтирилади (масалан, ишонч телефони, бевосита хабар бериш ва бошқалар).

### **VII. Мониторинг ва назорат<sup>[5]</sup>**

Марказий аппарат, ҳудудий ва таркибий бўлинмалари кесимида ҳисобот даврида ташкилот тизими томонидан мавжуд коррупцияга қарши талаблар, назорат тадбирлари ва тартиб-таомилларнинг бажарилгани тўғрисидаги таҳлилий маълумотлар келтирилади, шу жумладан, текширувлар ўтказилган ташкилотлар сони, шунингдек, текширув ўтказилган вазифалар ва тартиб-таомилларнинг даврийлиги ва характери тўғрисидаги таҳлилий

маълумотлар (режадаги, режадан ташқари) кўрсатилади;

Худудий ва таркибий бўлинмалари кесимида текширувлар ўтказилмаган бўлинмалар сони алохида кўрсатилади, иловада уларнинг номи ҳамда текширувлар ўтказилмаганлигининг асосий сабаблари қисқача қайд этилади;

Ўтказилган текширувлар натижалари тўғрисидаги умумий ахборот кўрсатилади шу жумладан, ижобий ва салбий хулосаларнинг фоизлардаги нисбати қайд этилади. Қоидабузарликлар мавжуд бўлса, мазкур ҳисоботнинг VIII-бўлимга ҳавола берилади.

### **VIII. Аниқланган қоидабузарликлар ва уларга таъсир чоралари**

Ҳокимликда коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги талабларнинг бузилганлиги тўғрисида марказий аппарат, худудий ва таркибий бўлинмалари кесимида таҳлилий маълумотларни кўрсатилади, шу жумладан:

қоидабузарликларнинг умумий сони;

қоидабузарликларнинг қоидабузарликлар тўғрисидаги ахборот манбалари бўйича тузилмаси (“ишонч телефони”, бевосита хабар бериш, мониторинг ва назорат натижалари ва бошқалар);

Ҳокимлик ички ҳужжатларида назарда тутилган вазифалар ва тартиб-таомиллар бўйича (харидлар, кадрларга оид масалалар ва б.) қоидабузарликлар тузилмаси;

Ҳокимликда қабул қилинган таъсир чоралари тўғрисида таҳлилий маълумотларни худудий ва таркибий бўлинмалари кесимида кўрсатиш, шу жумладан:

ўтказилган умумий тадбирлар сони ва аниқланган барча қоидабузарликлар бўйича таъсир чоралар кўрилганлиги ёки кўрилмаганлиги;

таъсир чоралари турлари бўйича таҳлилий маълумотлар (айбдорларни жавобгарликка тортиш, шу жумладан, жавобгарлик турлари кесимида; ташкилот тизими жараён ва ички ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш ва бошқалар), шу жумладан, зарур бўлган ҳолда қоидабузарликка йўл қўймаслик бўйича қандай тадбирларни татбиқ этиш таклиф этилмоқда ва ҳисобот даврида қандай тадбирлар татбиқ этилганлиги кўрсатилади.

### **IX. Хулосалар**

Ҳокимлик тизимида худудий ва таркибий бўлинмалари кесимида коррупцияга қарши чораларни амалга оширишнинг асосий натижалари кўрсатилади, коррупцияга қарши курашиш тизимининг ҳолатига умумий баҳо берилади. Заруриятга кўра аввалги даврлардаги кўрсаткичлар билан таққослама таҳлил ўтказилади, қониқарли натижаларга эришганлик ёки эришмаганлик сабабларини қайд этилади.

### **X. Коррупцияга қарши кураш тизимини янада ривожлантириш бўйича таклифлар ва тадбирлар режаси**

Кейинги ҳисобот даврида ташкилот тизимида коррупцияга қарши курашиш тизимининг алохида кўрсаткичларни марказий аппарат, худудий ва таркибий бўлинмалар

кесимида яхшилаш имконини берувчи асосий тадбирлар кўрсатилади.



**Коррупцияга қарши кураш  
тизимининг ҳолати тўғрисидаги  
ҳисоботни шакллантириш ва  
тақдим этиш бўйича низомига  
3-илова**

**Коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат дастурида режалаштирилган  
тадбирларни амалга ошириш тўғрисидаги**

**ҲИСОБОТ**

А  
м  
а  
л  
л  
Б  
Т  
а  
а  
ж  
д  
н  
и  
р  
и  
ш  
и  
л  
и  
ш  
у  
р  
а  
н  
н  
о  
н  
и  
м  
и  
н  
и  
я  
л  
а  
р

<sup>1</sup> Ушбу бўлимда ва кейинги ўринларда ҳисоботнинг ҳар бир бўлими бўйича қуйидагиларни кўрсатиш керак:

- Бирлашган кўринишда марказий аппарат, ҳудудий ва таркибий бўлинмалар кесимида ҳисобот даври учун маълумотлар. Агар зарурият бўлса, алоҳида бўлинмалар ва улар бўйича маълумотларни кўрсатиш;
- Зарурият туғилганда аввалги даврлар кўрсаткичлари билан солиштирма таҳлил ўтказиш, қониқарли натижаларга эришганлик\эришмаганлик сабабларини кўрсатиш лозим.

[2] Бўлим фақат ҳар йиллик ҳисобот даврида тўлдирилади. Мазкур бўлимда Ташкилот тизимида коррупциявий хавф-хатарни баҳолашни ўтказиш услубиётига мувофиқ амалга оширилган хавф-хатарларни баҳолаш натижалари бўйича таҳлилий ахборот акс эттирилади.

[3] Манфаатлар тўқнашувини декларация қилиш ҳисобот даврида бажарилган бўлсагина ахборот тўлдирилади.

[4] Ахборот фақат йиллик ҳисоботда тўлдирилади.

[5] Ташкилотда ҳисобот даврида Коррупцияга қарши процедураларига риоя қилинишини мониторинг ва назорат қилиш методикасига мувофиқ ўтказилган тадбирлар якунлари бўйча умумий таҳлилий ахборот акс эттирилади.